# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

17. Молия вазири лавозимига Азимов Рустам Содиқович,

18. Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович,

19. Соғлиқни сақлаш вазири лавозимига Назиров Феруз Ғофурович,

20. Ташқи ишлар вазири лавозимига Комилов Абдулазиз Ҳафизович,

21. Ташқи иқтисодий алоқалар вазири лавозимига Ғаниев Элёр Мажидович,

22. Фавқулодда вазиятлар вазири лавозимига Қосимов Баҳодир Эргашевич,

23. Халқ таълими вазири лавозимига Йўлдошев Жўра Ғаниевич,

24. Энергетика ва электрлаштириш вазири лавозимига Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич,

25. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Баҳодир Эргашевич,

26. Давлат божхона қўмитасининг раиси лавозимига Орипов Саидазим,

27. Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси лавозимига Аҳмедов Нурмуҳаммад,

28. Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси лавозимига Курбонов Эргаш,

29. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси лавозимига Маҳситов Баҳодир,

30. Давлат матбуот қўмитасининг раиси лавозимига Шоғуломов Рустам Шомуродович,

31. Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Ботир Асадуллаевич,

32. Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси лавозимига Ҳабибуллаев Пўлат,

33. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси лавозимига Тешаев Ғофуржон Қодирович номзодлари тавсия этилмоқда.

Уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотнома сизларга тарқатилган.

Мудофаа вазири лавозимига номзод Олий Мажлиснинг кейинги сессиясига киритилади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Барчамизга маълумки, иқтисодиётимизнинг энг йирик, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожи ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам бу тармоқни аввало маблағ билан тўлиқ таъминлаш, бу соҳага сармояларни тортиш, унинг молиявий аҳволини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, иқтисодий муаммо ва жумбоқларини ечиш ва кўмаклашиш мақсадида бу вазифа ва масъулият шу соҳани бошқарадиган Олимжонов Бахтиёр билан бирга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ҳамидов Бахтиёр зиммасига юклатилади. Балки шу мақсадда ҳам Ҳамидовга Бош вазирнинг биринчи муовини вазифасини топшириш кўзда тутилмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Бугун Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодларни Олий Мажлис тасдиғига ҳавола қилар эканман, сиз — халқ ноибларида табиий бир савол туғилиши мумкин: "Хўп, ҳукуматнинг янги таркиби биз учун аён бўлди, қайси вазифа нима учун кераклигини ўзимизга тасаввур қила оламиз. Лекин бу номзодлар ўзларининг инсоний хусусиятлари, қурби-қобилияти жиҳатидан мана шу вазифаларга қай даражада муносиб?"

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бундай ташвишлар, бундай саволлар туғилишига асос борлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Негаки, ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқаро аҳвол, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш, англаш қийин эмас.

Бугунги ўтиш даврида, яъни, олдин умуман кўрмаган, бошимиздан ўтмаган муаммоларни ечишда, ноаниқ, мураккаб, илк бор дуч келаётган масалаларни ҳал қилишда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни қатъият билан амалга оширишда оғир масъулият аввалambор ҳукумат аъзоси бўлган одамлар зиммасига тушади.

Ватанимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, яъни, ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бугун шу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чуқур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари керакки, одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Қуруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тавсия этилаётган ҳукумат аъзоларига баҳо берар эканмиз, адолат юзасидан шуни таъкидлашимиз керакки, охирги тўрт-беш йил давомида ҳаётимизда қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, ўйлайманки, бунда зиммасига юклатилган вазифаларни ўз ўрнида адо этаётган вазирлар, қўмиталарнинг раислари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ишда қандай айрим хатолар, муайян камчиликлар бўлмасин, кўз ўнгимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришларни тан олмаслик инсофдан бўлмайди.

Бугун мамнуният билан эътироф этишимиз керакки, жамиятимиз ҳаётида, жамоатчилик онгида олдинги бепарволик, лоқайдлик ўрнига, раҳбар шахс қандай мезонларга жавоб бериши зарурлиги ҳақида аниқ ва қатъий фикр шаклланиб бормоқда. Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшашидан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъи назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқда.

Одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда:

Авваламбор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлишини,

Ўз касб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўлишини кутади.

Жамоатчилик, халқ раҳбар шахснинг мустақил дунёқараши, кенг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туришини,

Иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром ҳариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг: "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир", деган ҳикматининг бугун ҳам ниҳоятда долзарб эканини барчамиз сезиб-англаб турибмиз.

Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоқлашини хоҳлайди. Одамларнинг ғам-ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоғини орзу қилади.

Ҳаётнинг кўп асрлик тарихи ва кундалик турмушимизда кўз ўнгимиздан ўтадиган кўп мисоллар, аччиқ сабоқлар асосида айтишимиз мумкин: ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки — атрофдаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одамийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқишдир.

Халқимиз одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деб бежиз айтмаган,

Агар раҳбар мана шундай талабларнинг ҳаммасига эмас, лоақал бир қисмига жавоб бера олса ҳам, албатта, бағрикенг элимиз бундай одамни ардоқлайди, бошига кўтаради, уни ҳимоя қилишга, унинг учун ҳатто жонини ҳам беришга тайёр бўлади.

Очиқ айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу юксак талабларга тўла жавоб бера олмаймиз. Лекин одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан — раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Афсуски, лавозим, вазифани худди ота-бобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмоғимиз зарур.

Сизнинг тасдиғингизга тавсия этилаётган номзодларнинг асосий заиф томонлари нимада, деб сўрасангиз, буни ҳам очиқ айтишим мумкин.

Бу камчилик Бош вазир Султоновга ҳам, бошқа ҳукумат аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, уларда кўпинча масъулиятни ўз зиммасига олиш, доимо қатъиятли бўлиш хусусияти етишмайди.

Буларнинг ўзи яхши, билимдон, ҳамма нарсани тушунадиган, замон талабларини биладиган, одамлар билан муомаласи ҳам жойида бўлиши мумкин. Охирги йилларда, ўта мураккаб шароитда жамиятимизни янгилаш ва ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида бу инсонларнинг анчагина тажрибага эга бўлганини ҳам тан оламиз.

Лекин, мен шуни алоҳида урғу бериб айтишим керакки, ҳукумат аъзоси бўлган одамнинг, содда қилиб айтганда, отнинг калласидай юраги бўлиши керак. У зарур пайтда масъулиятни ўзига ола билиши шарт. Бугун ҳаёт шуни тақозо қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлисида навбатдаги устувор мақсад ва йўналишларимизни аниқ белгилаб олдик. Ҳаётимизни эркинлаштириш, бошлаган ислоҳотларимизни чуқурлаштириш борасида парламент ва ҳукуматнинг вазифаларини олдимизга аниқ-равшан қилиб қўйдик.

Бугун жойларда бўлаётган муҳокамалар, фикр алмашувлар шуни кўрсатяптики, халқимиз бу соҳадаги йўлимизни қўллаб-қувватлаяпти, унга ишонч билдиряпти.

Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш, давр талаблари олдида заиф бўлмасдан юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиладиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синовларига бардош бера олиши мумкин.

Бу — аниқ. Бунга ҳаммамиз иқрор бўлишимиз керак.

Шу муносабат билан мен яқинда телевидение орқали берилган бир кўрсатувда муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидов айтган бир фикрни эслатишни ўринли деб биламан.

Яъни, у кишининг, ўзимизнинг ўзбекларда дўппини олиб қўйиб бир суҳбатлашайлик, гурунглашайлик, деган гап бор, лекин бугун нафақат гаплашиш, нафақат гурунглашиш, балки ишлаш, ҳаракат қилиш вақти келди,— деган сўзлари, даъвати бугунги замонда жуда долзарб эканини исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Азиз юртдошлар!

Шуни унутмайликки, бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўтиб кетади, Фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг заҳматкаш ва олижаноб халқимиз бугун сизу биздан — ўзи ишонч билдирган инсонлардан ана шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда.

Шу гўзал Ватанимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида сиз азизларга сиҳат-саломатлик ва куч-ғайрат тилайман.

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***
69-Зомин сайлов округидан сайланган депутат Сайёра Шарофовна Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал.

---

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ

***2000 йил 11 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилишида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб қуйидаги депутатлар сайланди:***

**Аҳадов Абдурафиқ** — Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович** — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

**Воҳидов Эркин Воҳидович** — Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси

**Қаландаров Искандар** — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси

**Кочмарик Изидор Андреевич** — Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси

**Умаралиев Муҳаммаджон** — Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси

**Мусурмонова Ойниса** — Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси

**Жўраев Нарзулла Қосимович** — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

**Жумабеков Қудайберген Ўрозбоевич** — Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

**Ҳошимов Ўткир** — Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси

**Турсунов Аҳтам Саломович** — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Саидов Акмал Холматович** — Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

**Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна** — Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси

**Салимова Шарипа** — Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси

**Абдухолиқов Фирдавс Фридунович** — Ёшлар ишлари комиссияси раиси

**Миролимов Миракмал Мираҳматович** — Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси

---

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, 1999 йилда мўлжалланган барча вазифалар тўлиқ амалга оширилди, деб бўлмайди. Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайди, маҳсулот экспорти белгиланган даражага етмади.

Ислом Каримов ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари бўйича маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Юртбошимиз хусусийлаштириш жараёнига тўхталиб, кўп ҳолларда мулкчилик шаклининг ўзгариши расмиятчилик учун бўлаётгани, иш тўғри ташкил этилмагани, раҳбарларда янгича фикрлаш етишмаслиги оқибатида корхоналар қарзга ботиб қолаётганига эътиборни қаратди. Бундай ноxуш ҳолнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деди Президент.

Бундай камчиликлар иқтисодиётимизнинг бош тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам хос. Ўтган йили 898 та хўжалик ширкатларга айлантирилган бўлса-да, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлашга, меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорликни мустаҳкамлашга эришилмади.

Бу масалалар қаторида давлатимиз раҳбари ўз маърузасида капитал қурилиш тизимини ислоҳ қилиш, банкларнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаб, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликка ғов бўлаётган бюрократизм ва сансалорликка барҳам бериш, ўзлаштирилаётган чет эл сармоясини кўпайтириш, бозор инфратузилмаси институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тараққиёт йўлидан бормоқчи бўлсак, эртанги куннинг заминини бугун яратишимиз керак, бунинг учун эса аввало иқтисодиётни эркинлаштириш зарур, деди Президент Ислом Каримов.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, республика Бош прокурори У.Худойқулов мажлисда ахборот берди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Беҳзод УСМОН**
**(ЎзА)**

---

## ДАЛА ИШЛАРИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК





*Марҳамат туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги экин майдонларининг 50 фоизи қир-адирлардан иборат. Шунга қарамай миришкор деҳқонлар бу ерлардан ҳар йили мўл ҳосил олиб келишмоқда. Ҳозирги кунда хўжалик меҳнаткашлари 683 гектар майдонда бир текис униб чиққан ғалла ниҳолларини парвариш қилишмоқда. Улар ҳар гектар ғаллазордан 80 центнердан ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 928 гектар майдон пахта етиштириш учун тахт қилиб қўйилди. Хўжалик деҳқонлари мўл ҳосил учун бугундан пухта замин ҳозирлашмоқда. Ана шу мақсадда хўжаликдаги мавжуд техника воситалари экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.*

**СУРАТЛАРДА: 7-бригада механизатори Эргашали Йўлдошев; техника мавсумга шай.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

---

*Республика кўчмас мулк биржаси Жиззах филиалида ўтган йили 81 маротаба савдо ўтказилган бўлса, энди бошланган 2000 йилда эса 7 маротаба ана шундай савдо ташкил этилди.*

**КЎЧМАС МУЛК:**

## ЖИЗЗАХДА САВДО ҚИЗҒИН

Ўтган йилги савдоларда 647 объект 98,9 миллион сўмга сотилди. Ишбилармон ва тадбиркорларга ер майдонлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчалари, банкрот бўлган корхоналар мол-мулки, савдо, маиший хизмат иншоотлари ҳамда автоуловлар таклиф этилди. Жиззах шаҳридаги "Газмол" ҳиссадорлик жамияти мажмуи савдода энг юқори нархда сотилган объект деб топилди. Бу иншоотнинг бошланғич баҳоси 3,4 миллион сўм бўлгани ҳолда 7,1 миллион сўмга сотилди. Йил якуни бўйича Жиззах шаҳри энг юқори кўрсаткичга эришиб, 249 та объектни 65,7 миллион сўмга сотди.

**(ЎзА).**

---

## ОГОҲЛИК МАШВАРАТИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Фозил қори Собиров билан талабаларнинг учрашуви бўлди.

Осойишта кунларимизнинг қадрига етиш, баркамол инсонларни тарбиялаш, замонавий билимларни пухта эгаллаш ва мустақил Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишиш масалалари тилга олинди, ёшлар учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз борди. Баъзи ёшларнинг «Ҳизбуллоҳ», «Ваҳҳобийлик» сингари экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётгани ачинарли ҳол эканлиги алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчилари барча иллатларнинг дояси билимсизлик, маърифатсизлик, маънавиятсизликдир, халқимизнинг буюк ўтмишидан хабарсизликдир, деган якдил хулосага келишди.

**Дилшод УСМОН,**
**талаба.**

---

## «БИЗНЕС-ФОНД»НИ БИЛГАН БОРМИ?!

### Қорақалпоғистонлик тадбиркорлар бу идорани топишда қийналишяпти

Нукусда «Бизнес-фонд»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига бориш учун машина кутиб турганимда, пешойнасига «Такси» белгиси қўйилган шахсий автомобил келиб тўхтади. Салом-аликдан сўнг ҳайдовчига:

— «Бизнес-фонд» идорасига боришим керак. Обориб қўясизми? Қаердалигини аниқ биласизми? — дедим.

— Билганда қандоқ! — оғзи қулоғига етди унинг. — Худди эшигининг тагига обораман. Ўтиринг.

Ҳақиқатан ҳам, ҳайдовчи пирга қўл берган одам экан. Уч-тўрт дақиқадан сўнг машинасини Нукус шаҳар ҳокимлиги биносининг шундоқ ёнидаги кўп қаватли муҳташам иморат олдида тўхтатди.

— Ана, «Бизнес ўройи»! Омадингизни берсин, ошнам!

Ҳожатбарор ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб, бино ичига кирдим. Эшикоға билан саломлашгач:

— «Бизнес-фонд» нечанчи қаватда? — деб сўрадим қувноқ оҳангда.

— «Бизнес-фонд»нинг бу ердан кўчиб кетганига анча вақт бўлди!

— Қаерга кўчган?

— Ҳаммомни биласанми?

— Йўқ!

— Унда «Химчистка»ни биларсан, ҳойнаҳой?

— Йўқ!

— Бўлмасам, бундай қил: кўчага чиққанингдан сўнг чап томонга бироз юрсанг, гўшт дўконини кўрасан. Ўша ердан сўрасанг, тушунтириб қўйишади!

... Гўшт дўконидаги қассоб тор кўча адоғидаги баҳайбат бинони кўрсатди. Зангори бўёққа бўялган бу бино эшигининг иккала томонидан «Бизнес-фонд» деган ёзувни изладим. Аммо бирор жойда бундай пешлавҳа ўрнатилмаган эди.

Биринчи қават қамида беш юз одам сиғадиган зал экан. Жимжитлик. Бирор кимса йўқ. Хайрият, иккинчи қаватда хиёл тажангроқ бир кишини учратдим.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом. Мулло бўл!

— «Бизнес-фонд» шу ердами?

— Сўраб-сўраб Маккани топган эканлар. Мана, мен ҳам уч кун деганда базўр топдим «Бизнес-фонд»ни. Сен бир кунда топган бўлсанг, Худо ёрлақаган жигит экансан!

Хуллас, «Бизнес-фонд»даман. «Нега бу идорани ахтариш билан боғлиқ тафсилотларни бу қадар батафсил ҳикоя қилаяпсиз?» деб сўрашингиз мумкин. Аввалдан айтиб қўяй: қайси бинода жойлашиш, қайси бинони ижарага олиш, харид қилиш, борингки, бино ташқарисига пешлавҳа илиб қўйиш ёки қўймаслик уларнинг иши. Гап бошқа ёқда: иқтисодиётимизда юз бераётган институционал ўзгаришларнинг ёрқин белгиси ҳисобланган «Бизнес-фонд» билан ишбилармонлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлар, фермерларнинг алоқаси мустаҳкамми? Қорақалпоғистоннинг энг овлоқ қишлоғидаги кўнглида тадбиркор бўлиш «чўғи» пайдо бўлган киши «Бизнес-фонд»ни топиб кела оладими? Оролбўйи иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олсак, «Бизнес-фонд» овулдаги ишбилармонларга муайян ёрдам кўрсатаяптими?!

«Бизнес-фонд» — хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фондига бизни айни мана шу саволлар етаклаб келган эди.

Холисанилло айтиш керак, Президентимизнинг 1995 йил 26 июлдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 291-сонли қарори эълон қилинганидан буён ўтган даврда «Бизнес-фонд»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида анча-мунча ишлар бажарилди. Хусусан, беш йил мобайнида 518 миллион 691 минг 500 сўмлик 282 та кредит йўналиши очилиб, тадбиркорларга 472 миллион 906 минг 300 сўм берилган бўлса, ана шу муддатда имтиёзли кредит учун 379 миллион 785 минг сўм маблағ келиб тушди. Бундан англашиладики, тадбиркорларга берилган 93 миллион 121 минг 300 сўм аввал ажратилган кредитларни қайтариш эвазига жамғарилган. Бу маблағлар қандай самара берди? Бошқармадан кредит олган тадбиркорлар жами 913 миллион 806 минг 600 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолига хизмат кўрсатишган. Ҳаммаси бўлиб 1413 та ишчи ўрни яратилган. Бу озми, кўп?

Дарвоқе, бошқарма фермерларга қандай эътибор қаратяпти?

Келинг, мисолларга мурожаат қиламиз. «Бизнес-фонд» таъсис этилган 1995 йилда жами 34 кредит йўналиши очилган бўлса, унинг 24 таси Нукус шаҳри тадбиркорларига, 108500 сўм миқдоридаги атиги биттаси эса фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадларига ажратилди. Айниқса, 1999 йилга келиб, бу эътибор ҳам бир қадар сусайди. Шу йили тадбиркорларга ажратилган 76,2 миллион сўм кредитнинг бор-йўғи 3 миллион сўми қишлоқда фермер хўжаликларини ривожлантириш, тадбиркорликка йўл очиб беришга йўналтирилди. Айни шу ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг шу йил 19 январ куни бўлиб ўтган йиғилишида Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан қаттиқ танқид қилинди. Ахир, бошқарманинг мавжуд 16 та бўлимидан 7 таси қолгани, улар ҳам ёпилиш арафасида турганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мулоҳаза юритиб кўрайлик. Ҳеч ким «Бизнес-фонд» бошқармасига имтиёзли кредитнинг фалон қисмини фалончига, фалон қисмини писмадончига беринг, деб қатъий «кўрсатма» беролмайди. Қолаверса, кредит олишнинг ўзига хос талаблари, исми-расми бор. Биз ҳам бошқарма ходимлари овлоқ овулга бориб, бирор-бир тадбиркорни Нукусга етаклаб келсин, деган фикрдан йироқмиз. Бу ўринда битта муҳим муаммо кўндаланг турибди: Қорақалпоғистонда қишлоқ тадбиркорларининг «Бизнес-фонд» имтиёзларидан фойдаланиши бугунги кун талаблари, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро кенгашда қўйилган вазифаларга жавоб бермаяпти. Ахир бу хил нодавлат ташкилотлар тадбиркорнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ташкил этилмаганмиди?! Табиий савол туғилади: «Бизнес-фонд»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси тижорат банклари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тегишли вазирликлар, идоралар, шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорликда ҳаракат қилиб, юзага келган вазиятни ўнглай оладими?! Ўшанда «Бизнес-фонд»ни билган борми?» деган ноқулай, аммо табиий жумбоққа ўрин қолмайди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ТОҒ БАҒРИДА ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Самарқандда йўллар атрофини ободонлаштириш, йўловчилар учун етарли қулайликлар яратишга жиддий киришилди. Айниқса, катта ўзбек трактининг вилоят ҳудудидан ўтган қисмларида бундай ишлар жадал бошлаб юборилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилингач, қурилиш ташкилотлари, фирмалар, тадбиркорлар йўл атрофларида барпо этиладиган савдо, овқатланиш, маиший ва техник хизмат кўрсатиш бинолари лойиҳаларини ишлаб чиқишди. Уларнинг барчасида миллийлик, нафислик ва ихчамлик асос қилиб олинди.

«Ўзавтогаз» ҳудудий бошқармасининг Самарқанд вилоят бўлими ҳам ана шу эзгу ишга бош қўшди. Бўлим жамоаси тайёрлаган лойиҳалар асосида вилоятнинг бир неча ҳудудларида ишга киришилди. Ургут туманидаги Қоратепа қишлоғида янги халқаро телефон станцияси қурилиши бошланди. Иншоот фойдаланишга топширилгач, тоғолди қишлоқларида телефон алоқаси кескин яхшиланади. Самарқандни Қашқадарё вилояти билан боғловчи Тахтиқорача довонидан ўтувчи йўловчилар учун ҳам янги станция қулайлик яратади.

— Каттақўрғон туманида автомобилларни суюлтирилган ва сиқилган газ билан таъминловчи янги шоҳобча қуришга ҳам киришдик, — дейди бўлим раҳбари Жуманиёз Алибеков. — Жомбой тумани ҳудудидаги шундай шоҳобча ёнида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ошхона, дўкон ва яна бир неча хизмат турларини йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КАМБАҒАЛМИ Ё ТАНБАЛ?

## Беш варақлик шикоят хатига икки оғиз изоҳ

**Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг 1999 йил 17 март куни бўлиб ўтган йиғилиши қарори асос бўлиб ваколатли одамлар Алимардонов Рўзибой бошқариб турган МТЗ-80 русумли тракторни Рўзибойнинг ҳисобидан бошқа бир кишининг ҳисобига ўтказдилар.**

Бу ҳолни тракторчи Рўзибой ва унинг отаси Абрайқул Алимардоновлар хўжалик раиси, агрономи, муҳандисию бригадир томонидан ўзларига билдирилган адоват белгиси деб қабул қилдилар. Ва, адолатсизлик содир бўлди, тезроқ чора кўришларингизни сўраймиз, деб дастлаб кичикроқ идораларга, сўнг каттароқ идораларга ариза ёза бошладилар.

Текшир-текшир бошланганда хўжалик раиси Миродин Худойбердиев ҳам нонни оғзида ейдиган раҳбарлардан эканини кўрсатди. Тракторнинг Рўзибойдан олиб қўйилиши шахсий адоватлар ёки ғаразли мақсад билан қилинмагани равшанлашиб борди. Аксинча, қарс икки қўлдан, деганларидек, Рўзибойдан ҳам вақтида унча-мунча камчиликлар ўтгани кўриниб қолди. Масалан, 1997 йил 27 апрел куни ёзилган далолатномадан сиз Рўзибойнинг 21 апрел куни чигит экиб бўлгач, культиватор тақиб далага чиқиши лозим бўлгани ҳолда бу ишни қилмаганини, тракторни отаси миниб (бошқариб) қаергадир кетиб қолганини, хуллас, Рўзибой томонидан меҳнат интизоми бузилганини уқиб олаеиз. Рўзибой ишлайдиган 5-бригаданинг 47 аъзоси қўл қўйган баённомада ҳам Рўзибой ишга вақтида чиқмаслиги, ишни сифатли бажармаслиги, умумий ишларга панд бераётгани майда ҳарфлар билан узундан узоқ баён қилинган.

Рўзибой ўз тушунтириш хатларининг бирида «...мен инженернинг буйруғини сўзсиз бажараман ва бригаданинг ишини ҳам бажараман» деб ўзидан тракторни олиб қўйишлари мумкинлигидан алағда бўлиб ёзди. Бу ёзуви айни пайтда ўзидан ўтган камчиликлари бўйнига тушаётганини ҳам билдирар эди.

Далолатномалар, актлар, тушунтириш хатлардан лойқа сувлар тинимади. Ва дўппи тор келиб қолган кунларнинг бирида трактор бошқа киши ҳисобига ўтказилганини кўриб, Рўзибой ва унинг отаси Абрайқул ака, одамларнинг юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама деган гапларига эътибор қилмай, юқорида эслатганимиздек, чапдан ўнгга қаратиб шикоят аризалари битишга киришиб кетдилар. Энди бўлса хўжалик раиси бошқарувнинг ўша 1999 йил 17 мартдаги қарорини бекор қилгиси келмайди. Бекор қилсам, субутимни йўқотаман, деб ўйлайди. Алимардоновлар бўлса меҳнат интизоми бузилишидан содир бўлган кўнгилсиз ҳолатни «адолатнинг бузилиши» деб баҳолаб ва ҳақиқатнинг тимсолига айланган ўша тракторнинг ўзларига қайтарилишини истаб мактуб битадилар.

Хўжаликнинг Тўрамурод Мулкомонов деган бош буғолтири бор. Тўрамурод ўзини ярим ўқитувчи ( у олий маълумотли инглиз тили ўқитувчиси), ярим ҳисобчи, ярим шоиру ярим иқтисодчи деб билади. Ва, Тўрамурод айтадики, бизнинг ҳозирги шароитимизда, бозор иқтисодиёти шароитида ишни эплай билмайдиганлар, ишлашни истамайдиганлар ўзларини, биз камбағалмиз, эҳтиёжмандмиз деб эълон қиладиган бўлишган. Шунга яраша аризачилик шаклланган. Йўқ. Бизнинг шароитимизда, менимча, камбағал йўқ. Лекин, дангасалар бор, топилади. Дангасаларга имтиёз бериладиган бўлса, биз бугун тилга олиб турган иқтисодий ислоҳотларни ким амалга оширади, деб қолди.

Алимардоновларни мен оқ билак, дангаса одамлар, демайман. Уларга бригадир ёки раис ёки ҳоким адоват қилаяпти, манфаатларини бўғаяпти деган гапга ҳам ишонгим келмайди. Аксинча, хўжалик уларга бошқа трактор берадиган бўпти. Маҳалла-кўй, эй, яхшилар, бир-бирларингнинг устидан ёзиш-чизишни тўхтатинглар. Камроқ гапириб, кўпроқ, яхширок ишланглар. Унча-мунча ёрдам бўлса, мана, бизга келинглар, деяётганмиш.

Алимардоновлар жўжа бирдай жон. 13 киши бир дастурхондан овқат ейди. Абрайқул аканинг бўйлари теракдай ўғиллари томорқадаю хўжалик даласида чумолидай бўлиб ишласалар, нон топсалар, мол топсалар, кўнгиллари равшан тортар. Қадди-қоматлари тикланар. Юзлари ёруғлашар, обрўлари ортар. Ахир, айтадилар-ку, меҳнат-икки кўздан иссиқ, деб.

**Олимжон УСАНОВ,**
**Шўрчи туманидаги**
**Янгиариқ маҳалласи.**

# УМИДЛАР АЛДАНМАСИН

***Қишнинг ҳозирги совуқ фасли — пиллачилар учун қайноқ ташвишлар фаслидир. Айни мана шу кунларда пиллачилар билан улар манфаатини ҳимоя қиладиган хўжаликлар ўртасида шартномалар тузилмоқда. Аммо шуни айтиш лозимки, мана, неча йиллардан бери бу иш Наманган вилоятида катта қийинчилик билан кечмоқда. Сабаби — кишиларнинг меҳнатдан қочишида эмас, наманганлик пиллачиларнинг тажрибаси ҳаммага маълум. Гап бошқа ёқда. Пилла етиштиришдан озгина хабари бор одам бу ишнинг қанчалик машаққатли эканини билади. Шунинг учун ҳам ҳамма ўз меҳнатига яраша вақтида ҳақ олгиси келади. Шартнома тузиш пайтида бу — асосий шарт ҳисобланади. Амалда эса, Наманган вилоят “Пилла” акциядорлик жамияти жуда кўп ҳолларда ўзининг пиллачилар олдидаги мажбуриятини вақтида бажара олмаяпти, унинг қарзи ойлаб, ҳатто янаги мавсумга қадар чўзилмоқда.***

Ўтган йили пиллачилар билан тузилган шартномаларнинг аҳволи ҳам шундай бўлди. Ҳар бир килограмм пилла учун тўланадиган ҳақ унча баланд бўлмаса-да, пиллакорлар ўз зиммасига олган мажбуриятни тўла бажарди. Ҳар доимгидан кўп — 2275 тонна ҳосил етиштирилди. Бунинг 266 тоннаси шартномада кўрсатилган мажбуриятларга қўшимча эди.

Ҳисоб-китобга келганда эса... Пиллачилар ўз ҳақларини вақтидан анча кеч олди. Бунинг устига, уларга пул ўрнига атлас, беқасам, шойи рўмоллар тегди. Бу ўринда шуни айтиш ўринлики, вилоят “Пилла” акциядорлик жамияти ҳам ўз “ҳақ”ини шу шаклда олган эди...

Келинг, гапни бошидан бошлайлик. Наманган “Пилла” акциядорлик жамиятининг аҳволи ўтган йил баҳорида ҳам худди ҳозирдагидек эди. Ўшанда жамият Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлимидан 160 миллион сўм кредит олишга қарор қилди. Бу маблағ пиллачиларга 25 фоизлик бўнак бериш учун зарур эди. Республика “Ўзбек ипаги” уюшмаси жамият зиммасига бошқа вазифа — вилоятнинг аҳволи ночорлиги туфайли ўзлари кредит олиш имкониятига эга бўлмаган учта пиллани қайта ишлаш корхонаси ҳисобига ҳам яна 182 миллион сўм кредит олишни юклади.

Бу — акциядорларни қийин аҳволга солиб қўйди. Чунки учта корхонадан биттасигина “Пилла” билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилди, холос. Иккита корхона билан ҳисоб-китоб ҳали ҳам талайгина муаммолар туғдирмоқда. Гап шундаки, кредитнинг катта қисмини олган “Атлас” акциядорлик жамияти “қарз”ни пул билан эмас, омборида тўпланиб қолган товар шаклида тўлади. Бу — оз эмас, кўп эмас — 140 миллион сўм деган гап! Маълумки, банклар пул ўрнига товар қабул қилмайди. “Наманган ипаги” акциядорлик жамияти эса, 40 миллион сўмлик қарзини узиш тўғрисида ўйламаяпти ҳам.

Бунинг устига, “Пилла” акциядорлик жамиятининг банкдан қарзи ойдан-ойга ошиб бормоқда - фоизлар қўшиляпти. Оқибатда жамиятнинг банкдан қарзи қарийб 240 миллион сўмга етди. Вилоятнинг асосий пилла тайёрловчи корхонаси янги мавсумга шу ҳолда етиб келди. Бу — банкротлик яқинлигидан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги “Пилла” акциядорлик жамиятининг қийин аҳволдан қутилишига ёрдам берди. Ҳокимликнинг фаол иштироки туфайли иккита салмоқли ҳамда ишончли шерик билан бўлажак ҳосил ҳисобидан фючерс шартномалари тузилди. Фючерс шартномасининг афзаллиги шундаки, унда умумий қийматнинг 50 фоизи олдиндан тўланиши кўзда тутилади. Шундай қилиб, яқин орада “Пилла” акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига пул келиб тушса керак. Шартномага биноан, пилла ҳақи ўтган йилдагидан фарқли ўлароқ (унда юқори ташкилот аралашган эди), анча қиммат белгиланган. Бу “Пилла” акциядорлик жамиятига пиллачиларга “Ўзбек ипаги” уюшмаси таклиф этган нархдан бир ярим баравар ортиқроқ нархни таклиф этиш имконини берди.

Акциядорлик жамиятида ҳозирнинг ўзидаёқ юқори сифатли, яхши нав уруғ харид қилиш йўллари қидирилмоқда. Уруғларни бевосита уруғ тайёрловчи корхоналарнинг ўзи етказиб беради. Чунки воситачилар хизматидан акциядорларнинг “оғзи куйиб” қолган.

Вилоятдаги пиллани қайта ишловчи корхоналар манфаатлари ҳам унутилгани йўқ. Тузилган шартномаларда бўлажак ҳосилни вилоятдаги шу ишга ихтисослашган корхоналарда қайта ишлаш кўзда тутилган.

Бу ҳол “Пилла” мутахассисларига аҳволни тубдан ўзгартириб, ниҳоят, соҳани бемалол оёққа турғазишга умид бағишламоқда. Улар бўлажак ўзгаришлар ҳақида вилоят пиллачиларига ҳам гапириб беришди. Натижада шартнома тузиш тезда амалга ошиб, ҳозир ниҳоясига етмоқда.

Гап энди Наманган вилоят “Пилла” акциядорлик жамиятининг бундай умидбахш режаларининг амалга ошишига ҳеч нарса халал бермаслигида қолган, холос. “Ўзбек ипаги”нинг ҳаддан ташқари “ғамхўрлик” ва эътибори ҳам ана шулар жумласига киради. Уюшманинг “ғамхўрлиги” натижаси ҳамон ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ниҳоят, энди вазиятни ўзгартириш имконияти пайдо бўлди. “Пилла”чилар бу имкониятни қўлдан чиқармоқчи эмас. Юқори ташкилотнинг ўтган йиллардаги доимий тарздаги аралашувлари туфайли Наманган “Пилла” акциядорлик жамияти ўта фойдали шартномаларни бажара олмай қолгани, оқибатда ўтган йили ёзда олинган миллионлаб қарздан қутила олмаётгани ҳам етар.

Бунинг устига, қонун доирасида мустақил равишда, ташаббус билан ижодий иш юритиш ҳар бир акциядорлик жамиятининг қонуний ҳаққидир. Жамият корхона номини ўзгартириш учун эмас, ана шундай мустақил иш юритиш учун ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов яқинда Фарғона вилоят кенгашига янги сайланган халқ депутатлари олдида сўзлаган нутқида бу гапни яна бир эслатиб ўтди. Мустақил хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро муносабатларда эски қолиплардан қутилиш лозим. Уларнинг фаолияти юқоридан тушаётган кўрсатмалар билан эмас, аниқ, кишилар учун ҳам, жамият учун ҳам фойда келтирадиган иқтисодий мақсадларга асосланиши билан баҳоланади.

Наманган вилояти “Пилла” акциядорлик жамияти айнан ана шундай ишлашга ҳаракат қилмоқда. Ходимлар ўн минглаб кишиларнинг эртанги кундаги фаровон ҳаёти ўзларининг бугунги фаолиятига боғлиқ эканини яхши тушунади.

**Назира ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАТЛАР — КЎНГИЛ ОЙНАСИ

## ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Бухорода “Гуфик-Авиценна” ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси бор. У аҳоли учун турли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Яқинда корхона жамоаси яхши бир савоб ишни бошлаб берди — халқ таълими соҳасига баҳоли қудрат ёрдам бермоқликка қарор қилишди. Улар ўзлари ишлаб топган бир кунлик иш ҳақини халқ таълими бошқармаси ихтиёрига ўтказдилар. Бу маблағ мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Қўшма корхона жамоаси барча тадбиркорларга мурожаат қилиб, бу савобли ишни давом эттиришга даъват этдилар. “Таълим соҳасини давлат маблағлари билан таъминлаш баробарида унга ҳомийлик ёрдамини ҳам кўрсатиш, — дейилади фармацевтлар мурожаатида, — маданий ривожланган мамлакатлар тажрибасидан яхши маълум. Ўзбекистонда ҳозирги ўтиш даврида биз айнан ана шундай ҳомийлик ишларини кучайтиришимиз лозим. Чунки мактабга кўрсатилган ёрдам ўз фарзандларимизга, ўз хонадонларимизга, ўз келажагимизга ғамхўрлик демакдир”.

Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш, бахтли келажагимиз бунёдкорларини, баркамол инсонларни тарбиялаш ишига ҳисса қўшишдек бу хайрли иш мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланади, деб умид қиламиз.

**А. ВАҲОБОВ,**
**Бухоро шаҳри.**

## Сўраган эдингиз

*Ҳурматли таҳририят! Газетангиз саҳифаларида бир асрдан ортиқ умр кўраётган пиру бадавлат нуроний отахон ва онахонларимиз ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Агар имкони бўлса, бизга юз ёшли ва ундан улуғ инсонлар мамлакатимизда айни пайтда неча кишини ташкил этиши ҳақида маълумот берсангиз».*

**Ғ. БОБОЕВ,**
**Сирдарё вилояти,**
**Бахт шаҳри.**

## АСР ТЕНГДОШЛАРИ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши томонидан тайёрланган маълумотномага кўра, 1999 йилнинг 1 ноябригача мамлакатимизда 100 ёш ва ундан ошган кексалар сони **2400** нафарни ташкил этади.

**Бу рақам ҳудудлар бўйича тақсим қилинганда қуйидагича манзара пайдо бўлади: Қорақалпоғистон Республикасида 92 нафар, вилоятлар — Андижонда 292, Бухорода 295, Жиззахда 90, Қашқадарёда 330, Навоийда 67, Наманганда 194, Самарқандда 109, Сирдарёда 26, Сурхондарёда 75, Фарғонада 522, Хоразмда 168, Тошкентда 147 ва Тошкет шаҳрида 8 нафар** 100 йилдан ортиқ умр кўраётган кишилар бор. Ана шундай узоқ умр кўрганлардан бири Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Ишчилар шаҳарчаси» маҳалласидаги Ирматов кўча 137-уйда яшаб келмоқда. Адолат ая Маҳаматова янги йилда ўзларининг **119** ёшларини қаршиладилар. Бу пиру бадавлат онахон кўп йиллар давомида «Тинчлик» жамоа хўжалигида яшаб, меҳнат қилдилар. Ая тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказганлар. Азамати уруш қурбони. Норбуви — пенсионер, Тўхтамурод нон заводида ишлайди. 15 невара, 37 эвара, 10 нафар чеваралари бор аянинг. Аллоҳ Адолат аянинг укалари ва синглисига ҳам узоқ умр ато этган. Ҳожи ота **97**, Усмон ота **88**, Фароғат буви эса **80** ёш билан дийдор кўришиш бахтига муяссар бўлишди.

Шукрлар бўлсинки, жаннатмакон ўлкамизда аср тенгдошлари тобора ортиб бормоқда. Уларни зиёрат қилиш, асраб-авайлаш, ғамхўрлик кўрсатиш ва дуоларини олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи лозим. Бухорода «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан табаррук онахон ва отахонларимизнинг ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Юз билан юзлашганлар» номли рисоланинг чоп этилиши ана шундай савобли ишлардан биридир.



## ҲАВАС

*Нигоҳингда Алпомишнинг*
*шаҳди бордир,*
*Ё Барчиной латофати,*
*аҳди бордир.*
*Боболардан мерос олтин*
*тахти бордир,*
*Тоълеингда ЎЗБЕК бўлмоқ*
*бахти бордир,*
*Либосингдан ўргилайин,*
*жон болам-а.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**сурат-лавҳаси.**

## СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Янгийўл туманидаги 16-ўрта мактабда ана шу мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Ниёзбоши қишлоғидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

“Камолот” жамғармасининг туман бўлими ташкил этган ушбу тадбирда 23-мактаб ўқувчилари ғолиб топилиб, кўрик-танловнинг якунловчи босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**А. ТЕМУРОВ.**

*Ҳиммат*

## СОҒИН СИГИРЛИ БЎЛДИК

Назар Қурбоновни ҳамшаҳарларимиз яхши танишади: у тижорат билан шуғулланади, ободонлаштириш тадбирларида фаол қатнашади. Яқинда эса, бундан-да савоблироқ ишга қўл урди. Фарзандларимиз кўплигини ҳисобга олиб, бизга биттадан соғин сигир тортиқ қилди. Табаррук отахонлар тили билан айтганда, оилаларимизга нақ етти хазинанинг бирини ҳадя этди. Унинг ҳиммати туфайли ўғил-қизларимизнинг оғзига оқ тегди. Дастурхонимиз суту қатиққа, сариёғу қаймоққа ёлчиб қолди.

Биз бунинг учун тадбиркор Назар Қурбоновдан беҳад миннатдормиз. Ҳар тонг унинг дуои жонини қилиб ўтирибмиз. Ўлкамизнинг мумтоз шоирларидан Ҳайдар Хоразмийнинг қуйидаги ўгитлари қарор топаётганидан хурсандмиз:

Ҳар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,
Ўзингдан орттиру ўзгага бермоқ учун.

**Жумагул НИЁЗМАТОВА,**
**Ўғилжон ОДАМОВА.**
**Урганч.**

*“Халқ сўзи” фуқаролар хизматида*

Олтиариқ бекатида поездга чиқдим. Майдонча анча паст, вагон зинаси баланд. Менга ўхшаган қариялар учун жуда ноқулай, кўп уриндим. Жойимни топиб, нафасимни ростларман, деган ниятда чиптада кўрсатилган қаторга борсам, у жойда йўловчи ўтирибди. Билсам, унинг чиптасида ҳам худди шу жой кўрсатилган экан. Кейин билсам, бундай ноқулай ҳолатга тушган бир мен эмас эканман.

Тавба, нега йўқ жойдан муаммо чиқаришади? Тўғрисини айтсам, йўлда хизмат кўрсатиш сифатидан кўнглим ранжиди.

**Б. ИСАМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Отчопар кўчаси,**
**149-уй.**

## НОҚУЛАЙЛИК УЧУН УЗР

Ушбу шикоят моҳиятан кўриб чиқиш ҳамда тегишли тадбирлар белгилаш учун “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик компаниясига юборилган эди. Мазкур ариза бўйича таҳририят жавоб мактуби олди. Масала кўпчиликка тааллуқли бўлгани учун уни бироз қисқартирган ҳолда қуйида келтирамиз.

“Хатда баён этилган далиллар юзасидан Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш дирекциясида муҳокама ўтказилганда кўрсатилган камчиликлар ҳақиқатан мавжуд эканлиги маълум бўлди. Поезд бошлиғи Б. Ашрабиев ва фуқаро Б. Исамуҳамедов кетаётган вагонга хизмат кўрсатувчи М. Ҳакимов тушунтиришлари бўйича вагонлар йўловчилар билан тўла бўлган.

Поезд бошлиғи ва вагон кузатувчиси ўз вақтида чипта кассаларига вагонда жойлар йўқлиги тўғрисида хабар қилмаган. Чипта сотиб олган йўловчиларга нормал шароитлар яратиб берилмаганлиги учун поезд бошлиғи Б. Ашрабиев ва вагон кузатувчиси М. Ҳакимов ишдан бўшатилдилар.

Раҳбариятга поезд бригадалари аъзолари томонидан йўловчилар ва юк ташиш қоидалари кўп марта бузилаётганлиги тўғрисида шикоятлар келиб тушмоқда, шу сабабли эътироз жуда ўринлидир.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишда тегишли тартиб ўрнатиш бўйича компания раҳбарияти ҳозирги пайтда йўловчи ташиш хўжалиги бўлинмаларида ишларни ташкил этишда бир қатор туб ўзгаришларни амалга оширмоқда. Чунончи, 2000 йилнинг 10 мартидан йўловчиларга сервисли хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилади. Бунда поезд бошлиқлари ва вагон кузатувчилари танлов асосида ишга олинади.

“Ўзтемирйўлйўловчиташиш” давлат корхонаси раҳбарияти йўловчи ташиш ишларини такомиллаштириш масаласига эътибор берганингиз учун ташаккур билдиради. Йўлдаги ноқулайликлар учун узр сўраймиз. Келажакда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш ва сифатини яхшилаш борасида ҳамма чоралар кўрилади, деб сизларни ишонтиради.

**Р. РАҲМОНҚУЛОВ,**
**“Ўзтемирйўлйўловчиташиш” давлат корхонаси бошлиғи.**

«АСАКАБАНК»:

# ХАЛҚАРО МАЙДОНДА НУФУЗИ ОРТМОҚДА

— Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим, — деб таъкидлади Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида. Бу муҳим вазифалар бевосита «Асакабанк»ка ҳам тааллуқлидир. Ўтган даврда ихтисослашиш босқичидан универсаллашиш босқичини дадил босиб ўтган, халқаро Banker» журнали ҳар йили ўтказадиган рейтинг бўйича сайёрамизнинг мингта энг яхши молия муассасалари сирасига киритилган мазкур банк жамоаси бугунги кунда ана шу вазифаларни бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

«Асака» банки миллий иқтисодиётимизнинг жўшқин ривожланаётган соҳаси — автомобилсозликнинг тимсоли сифатида ташкил топди. У ёш мустақил мамлакатимиз ўз олдига қўйган энг муҳим вазифалардан бирини бажаришда иштирок этишга даъват қилинган эди. Ҳозирда Ўзбекистон йўлларида елиб юрган ҳар бир «Нексия»да, ҳар бир «Тико»да, ҳар бир «Дамас»да «Асака» банки ходимлари меҳнати, куч-ғайратининг ҳам ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Молия вазирлиги, «Ўзавтотранс» ассоциацияси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки «Асакабанк»нинг муассислари бўлишди. Банкнинг низомий жамғармаси 150 миллион АҚШ доллари миқдорида шакллантирилди.

Банкка асос солинган 1995 йил мамлакатимиз иқтисодиётида бурилиш палласи бўлиб қолди. Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда эди. Бунгача асосан сифат жиҳатидан кўра миқдор жиҳатидан ривожланаётган молия соҳасида таркибий қайта тузилиш бошланди. Банк рақобатининг дастлабки натижалари очиқ-ойдин кўзга ташлана бошлади. Мижозлар ва кредитлар учун кураш ҳали олдинда эди.

Ўша даврда «Асака» банки учун бош ва асосий вазифа автомобиль саноатини кредитлашдан иборат эди. Банк кредити ҳисобига «ЎзДЭУавто» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти автомобиллари учун жамловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш амалга оширилади. Хусусан, хориж валюта кредитлари ҳисобидан автомобилларга хизмат кўрсатиш станциялари учун Оврупо фирмаларининг ускуналари сотиб олинди. Ҳар бир автомобилчига таниш бўлган «Ўз-Донг-Жу Ко», «Ўз-Донг-Вон Ко», «Ўз-Сэмюнг Ко», «Уз-Кваинжи Ко», «Уз-Хонам-Ко», «Уз-Эксайд» — бу заводлар эндиликда илгари Кореядан ташиб келтирилган бампер ва ёқилғи бакларидан тортиб, автомобиль ўриндиқлари ва тутун чиқарувчи қувурғача ҳамма деталларни ишлаб чиқармоқда. 1999 йили банк томонидан автомобиль саноатига хорижий валютада берилган кредитлар 107754 минг АҚШ долларини, миллий валютада эса — 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. «Ўзавтосаноатсервис» ўз шоҳобчаларини ривожлантириш учун «Асака» банкидан 697 миллион сўмдан кўпроқ маблағ олди.

1996 йил декабрида банк Оврупо тиклаш ва тараққиёт банки билан мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга йўналтирилган кредит линиясини очиш тўғрисидаги битимни имзолади. Ўзбекистон тадбиркорлари ўз «ишлари»ни йўлга қўйиш учун 30 миллион долларни ўзлаштириш имконига эга бўлдилар. Ва «Асака» банки билан ҳамкорликда буни муваффақиятли амалга оширдилар.

Банк қўл ураётган эзгу ишларнинг ҳаммаси пировард натижада мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Банк мижозлари орасида

### Ислоҳот ва эркинлаштириш

уларнинг сони 5299 та бўлиб, кўпчилиги кичик ва ўрта корхоналардир. Ўйлаб кўринг: банк мижозлари таркибида кичик ва ўрта бизнеснинг ҳиссаси 58,2 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки акциядорлик жамиятлари ҳиссаси 11,4 фоизга, давлат корхоналарининг ҳиссаси эса — 6,4 фоизга тенг. Кўриниб турибдики, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш «Асака» банки кредит сиёсатида бош йўналишлардан бирини ташкил этади. Банк биринчи навбатда истеъмол бозорини халқ истеъмоли буюмлари билан тўлдириш ва янги иш жойларини ташкил этишга қаратилган янги ғоялари бўлган тадбиркорлар ва ўз товарларини ишлаб чиқариб, бу билан республика иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган корхоналарга ҳар томонлама молиявий ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирда банкнинг бу дастури ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган 270 миллион сўм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган 210 миллион сўм билан ифодаланади. Кузнинг бошларида «Асака» банки ва бандликка кўмаклашувчи фонд кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлаш учун маблағлар ажратиш юзасидан битимни имзолашди.

Хусусий корхоналар асбоб-ускуналар, ташкилий-техника воситалари, энг кўп эҳтиёж бўлган товарлар ва бошқа халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хомашё харид қилишга «Асака» банки кредитларини олишди. Чунончи, банк кредитлари ҳисобига республиканинг Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятларининг қишлоқ ва қўрғонларида, Тошкент, Андижон, Даштобод, Термиз ва бошқа шаҳарларида янги иш жойлари очилди. Бу жойларда эркаклар костюми ва чойшаблар ҳамда ёстиқ жилдлари, махсус кийим-бошлар, керамик ғиштлар, шлак блоклари, шпаклёвкалар, алебастр, электродлар, сурп березентлар, крахмал, декстрин, иссиқхона сабзавотлари ҳамда цитрус мевалари, мамлакатимиз учун муҳим ва керакли бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бироқ «Асака» банкининг ҳиссаси фақат тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан чекланмайди. «Асака» банкининг мутахассислари ҳамиша тадбиркорларга зарур маслаҳатлар беришга тайёр. Бу маслаҳатлар лойиҳа бундан буён вақт ва маблағ сарфлашга арзигуликми, пул тушумлари харажатларни қоплаб, фақат мажбуриятларни бажариш, олинган кредит қарзларини тўлаш, корхона мунтазам бир маромда ишлаши учун етарли бўладими, деган саволларни ойдинлаштириб беришга қаратилади. Булар энг муҳим масалалар бўлиб, акс ҳолда меҳнат жамоаси ва муассисларнинг манфаатлари қондирилмайди, бу эса тадбиркорлик тамойилларига зиддир. Мутахассислар тадбиркорлар дангал киришаётган «иш»нинг баъзи таваккалчиликларига баҳо берадилар ва, тегишли таҳлиллардан сўнг, лойиҳани тўлдиришнинг лозим бўлган жиҳатларига эътиборни қаратиб, муваффақиятга олиб борувчи ягона тўғри йўлни кўрсатиб берадилар.

Ҳар қандай миллий банк бугун халқаро операцияларни ҳам амалга оширади. «Асака» банки 26 та энг йирик хориж банклари, шу жумладан Chase Vanhatten Bank (АҚШ), Bank ofinew Vork (АҚШ), ABN AMRO Bank (АҚШ), Deutsche Bank (Германия), Berlinep Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), Barclays Bank PLC (Англия) ва бошқа банклар билан корреспондент муносабатларини ўрнатган. Фақат кейинги бир йилда Испаниянинг «Сантадер», Италиянинг Институто Банкарио Сан Паоло ди Торино банклари, Париж Миллий банки, немис «Гипо Беренс» банки «Асака»нинг корреспондент банклари бўлишди.

ОТТБ ижрочи директорларининг Лондонда ўтган йиллик йиғилишида «Асака» банки вакилларининг иштироки халқаро майдонда унинг нуфузи ортиб бораётганлигининг ёрқин далили бўлди. Банк вакиллари Англияда бўлган вақтларидан, шунингдек, «Парвинабанк», «Ротшильд Эн Санз», «Стандард» ва «Чейз Манхеттен» банклари билан музокаралар олиб боришди. Бу музокараларнинг якунлари «Асака» банкининг универсаллашувга бўлган интилишига янги куч бағишлади.

Ички ва ташқи банк ҳамда молия бозорларида юқори самаралар берувчи операцияларни амалга оширувчи етакчи универсал, жўшқин ва самарали ривожланаётган кредит муассасаси сифатида қарор топиш «Асака» банкининг дастурий-стратегик мақсадига айланди. Ҳужумкор мижоз сиёсатини ўтказиш, банк эришган ижобий марраларни мустаҳкамлаб бориб, янги банк ҳосилаларини жорий этишга асосий урғу берилмоқда.

Аниқ мақсадларни илгари сурабилиш, тегишли тадбирларни аниқ ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш банкка юксак кўрсаткичларга эришиш имкониятини бермоқда. Хусусан, банк фаолиятининг асосий кўрсаткичи — фойда бўйича режа 4,44 фоиз ошириб бажарилди. Фойда миқдори 1998 йилга нисбатан 2,3 марта ўсди.

1999 йил мартида бу ерда электрон тўловларнинг «Банк-Мижоз» автоматлашган тизими жорий этилди. Шу вақтдан бошлаб «Асака» банки ўз офиси билан Ўзбекистоннинг исталган минтақасидаги мижозлари ўртасида икки томонлама алоқага киришиш имконини туғдира бошлади. Мижоз тўлов ҳужжатларини «шакллантиради», янги тизим уларни банк хизматчисининг иш жойига тегишли алоқа каналлари орқали етказади. Ана уша телекоммуникациялар воситасида мижоз ўз ҳисоб рақами бўйича кўчирмалар олиши ҳам мумкин.

1999 йили хусусий омонатчиларга хизмат кўрсатиш бўйича операцияларни, пластик карталар билан операцияларни автоматлаштириш фаол давом эттирилди. «Асака» банкининг Марказий офиси ва шаҳар бўлимида микропроцессор пластик карточкалардан фойдаланиб нақдсиз ҳисоб-китоб тизими ишга туширилди. Бу мижозлар ва банк ходимларига нақд пул ва ҳисоб рақами ҳолати тўғрисидаги маълумотнома кўчирмасини олиш учун аниқ вақт ичида банкомат орқали банк ҳисобларига «кириш» имконини бермоқда.

Ўтган йили Банк ўзи учун янги бўлган қимматли қоғозлар — Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит сертификатлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг облигациялари билан операцияларни амалга оширишга киришди. Қимматли қоғозларнинг бу турлари бўйича имтиёзли солиқ ставкалари, фойдали фоиз ставкалари ва бу қимматбаҳо қоғозларнинг хийла ишончли эмитентлари билан уйғунлашиб, банкнинг шу жабҳадаги ишига мафтункорлик бағишламоқда.

Акциялар билан бўладиган операциялар ҳамиша ҳар қандай банк учун жозибадор кучга эга. «Асака» банки ҳам республика корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Банкнинг корпоратив қимматли қоғозлари билан ишлаш соҳасидаги сиёсати банкда муҳим даромад олиш, қоплаш ва таваккалчиликнинг оқилона даражасини сақлаб туришга қаратилган. Банк томонидан саноатнинг ўн тўрт тармоғи корхоналарининг акцияларидан иборат акцияларнинг диверсификацияланган портфели шакллантирилган.

Амалга оширилган шу каби ишларнинг натижасида банкнинг корхоналар акцияларидаги сармоялари 1999 йили олдинги йилдагига нисбатан деярли 1,5 марта ўсди.

Қимматли қоғозлар бозорида фаол операцияларни амалга оширишдан ташқари, бугунги кунда банк шу йилиёқ жойлаштирилиши мўлжалланаётган ўз депозит сертификатларини чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда.

«Асака» банкининг энг муҳим ютуқларидан бири — унинг ходимларидир. Ҳар қандай молия муассасасининг нуфузи унинг одамлари томонидан шу одамларнинг малакаси билан ҳосил қилинишини бу ерда жуда эрта уқиб олишган. Ҳозир банкда 1449 киши меҳнат қилади. Уларнинг 70 фоизи олий маълумотли мутахассислардир. Шунга қарамасдан 200 дан ортиқ мутахассис ўқувнинг турли шаклларига жалб қилинган. Фақат ўтган йилнинг ўзида 34 мутахассис чет эл — АҚШ, Германия, Франция, Австрия, Греция, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тажрибаси билан танишиб келди.

«Асака» банки ҳозир ҳам Ўзбекистон молия соҳасининг етакчилари қаторида қолиш, молиялаштиришнинг новаторона усулларини жорий этиш, янги лойиҳалар самарадорлигини намоён қилиш мақсадида изланишлар олиб бормоқда.

**А. ХЎЖАЕВ.**

